ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Алимджанова Ойдин Нодировна
Бухоро давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан “инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш”[1] устувор вазифасининг белгиланганлиги, бозор хизматлари кўрсатиш соҳасининг инновацион фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисми эканлигидн далолат беради.

Умуман олганда, бозор хизматлари кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг меърий-ҳуқуқий базасини икки бўғинга ажратгаан ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Биринчи галда мамлакатда инновцион ривожланишни тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳуқуқий хужжатларни таҳлил қилиб, ундан кейин хизмат кўрсатиш соҳасининг тури ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг учун хусусий бўлган ҳуқуқий асосларни тадқиқ этиш талаб этилади. Бунинг сабаби бозор хизматлари кўрсатиш соҳаси кўп тармоқли бўлганлиги учун, унинг турли йўналишлари, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва логистика, ахборот ва коммуникация, молиявий хизматлар каби тармоқларга тегишли бўлган қонун ва қарорларнинг хизмат кўрсатиш амалиётининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инновацион ривожланиш йўналишлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатда инновацион ривожланишни тартибга солишда 1-жадвалда келтириб ўтилган ҳуқуқий-меъёрий хужжатлардан фойдаланилади. Ўрганишларга кўра, мамлакатда инновацион ривожланишни тартибга солишда амал қилаётган меъёрий хужжатлар фақатгина инновцион фаолият билан боғлиқ бўлган муносабатларга тегишли бўлиб, бунда инновацион риврожланиш ва унинг самарадорлигини таъминлашда кенг фойдаланилаётган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон фармони, 06.07.2022 й.

рақамли трансформация жараёнлари билан боғлиқ бўлган хусусиятлари бошқа меъёрий хужжатлар асосида тартибга солинади. Жумладан, “Рақамли Ўзбекистон – 2030”[2] стратегиясида миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, хизматлар кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш жараёнларини амалга оширишнинг устувор йўналишлари келтирилган ҳисобланади. Шу билан биргаликда, миллий иқтисодиёт тармоқларини инновцион фаоллигини оширишда илмий назарий жиҳатдан муҳит аҳамият касб этувчи креатив фаолият, ижодий фикрлар ва ғояларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”[3]ги Қонунда белгилаб ўтилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда инновацион ривожланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари[4]

№	Меъёрий хужжат	Меъёрий хужжатнинг қисқача мазмуни
1	Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”[5]ги Қонуни	Инновацион фаолиятнинг мазмуни, унинг йўналишлари, иштирокчилари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тартибларини ўзида акс эттиради
2	“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”[6]	2030 йилга қадар бўлган муддатда илм-фан соҳасида ишлаб чиқиладиган илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва уни тижоратлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган
3	“Илм-фан соҳсида давлат сиёсати ва инновацион ривожлантириш бошқаруви тизими”[7]	Илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш ва инновацион ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш, уни молиялаштириш, давлат томонидан ажратиладиган преференциялар белгилаб берилган

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон фармони, 05.10.2020 й.
[3] Ўзбекистон Республикасининг “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сон Қонуни, 03.10.2024 й.
[4] Муаллиф томонидан тузилган.
[5] Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й.
[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони, 29.10.2020 й.
[7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фан соҳасида давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5047-сон қарори, 01.04.2021 й.

4	“2022-2026 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегияси”[8]	2022-2026 йилларда мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг устуворликлари, уларни амалга ошириш тартиби ва мақсадли параметрлари ишлаб чиқилган

Шу билан биргаликда, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнларини автоматизациялаш бўйича жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган сунъий интеллект технологиясидан мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқлари, жумладан, бозор хизматлари кўрсатиш соҳаларида фойдаланишнинг устувор йўналишлари “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси”[9]да ўз ифодасини топган. Инновацион фаолиятнинг ижодкорлик ва креатив фикрлаш натижалари асосида янги турдаги ишланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардан ташкил топган бўлиб, бу турдаги ишланмалар интеллектуал мулк шаклида амал қилади. Ушбу вазиятни инобатга олиб, интеллектуал мулк ва унинг муҳофазаси билан боғлиқ жараёнлар инновацион самарадорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Мазкур муносабатлар тизимини тартибга солишда “Интеллектуал мулк”[10] тўғрисидаги Қонуни такомиллаштирилиб, замонавий инновацион-иқтисодий муносабатлар тизими амал қилиши хусусиятларига мослаштирилган.

Ўрганишларга кўра, мамлакатда инновацион ривожланиш, жумладан, хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш жараёнларининг инновацион фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими учун хос бўлган ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар инновацион фаолият билан ёнош бўлган соҳаларга тегишли ҳуқуқий асосларни ҳам қамраб олиши аниқланди. Ушбу ҳолат инновацион самарадорликни ошириш кенг қамровли ва мураккаб жараён эканлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда, соҳага тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий асосларни тизимли таҳлили миллий иқтисодиётнинг тарли тармоқлари, жумладан, бозор хизматлари кўрсатиш амалиётининг инновацион самарадорлигини оширишда солиқ ва инвестицион сиёсатдаги ҳуқуқий

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон фармони, 06.07.2022 й.
[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори, 14.10.2024 й.
[10] Ўзбекистон Республикасининг “Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-959-сон Қонуни, 10.09.2024 й.

имтиёзлар ажратилганлигини кўрсатди ва улар қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши аниқланди:

- интелекктуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган;

- тадбиркорлик субъектлари, жумладан, бозор хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектларига инновацион ривожланиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларига ажратилган харажатлар учун солиқ имтиёзлари ажратиш;

- республика ҳудудида ташкил этилган инновацион зона ва технопарклардаги резидентлар учун қўшилган қиймат (ҚҚС) ва фойда солиқлари имтиёзлари жорий этилган.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатда миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, бозор хизматлари кўрсатиш соҳасида инновацион самарадорликни оширишда давлат хусусий шериклик механизмига асосланган молиялаштириш тизимини жорий этиш, нодавлат ташкилотлар томонидан инновацияларни тарғиб қилиш, таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиявий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш каби йўналишларда кенг кўламли чора-тадбирлар изчи амалга оширилиб келинаётганлиги аниқланди.

Ўрганишлар мамлакатда бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини инновацион самарадорлигини ошириш соҳасидаги ҳуқуқий-институционал асослари билн боғлиқ бўлган қонунчиликдаги мавҳумликлар, институционал ҳамкорликнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги, молиялаштириш билан боғлиқ, шунинглек, кадрлар етишмаслиги, ҳамда инфратузилмавий муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди. Юқорида келтириб ўтилган муаммолар 2-жадвалда келтирилган тартибда изоҳланади. Келтириб ўтилган муаммоларни ҳал этишда қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

биринчи, қонунчиликни такомиллаштириш. Бунда “инновацион бозор хизматлари” тушунчасининг мазмуни ва моҳиятига аниқлик киритиш, турли соҳалар кесимида бозор хизматлари кўрсатишнинг инновацион самарадорлигини белгиловчи норматив хужжатларни ишлаб чиқиш;

2-жадвал

Бозор хизматлари кўрсатишни инновацион самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий-институционал асослари билан боғлиқ муаммолар[11]

Муаммолар	Муаммоларнинг изоҳланиши
Қонунчиликдаги мавҳумликлар	Инновацион муносабатлар ва бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини тартибга солувчи қонунчиликда аниқ тушунчаларнинг етарли даражада

[11] Муаллиф томонидан тузилган

	шакллантирилмаганлиги, ишлаб чиқилмаганлиги, ҳамда норматив ҳужжатларда белгиланган меъёрлар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликлар ва мос келмйдиган ҳолатларнинг мавжудлиги
Институционал ҳамкорликнинг етрли даражда эмаслиги	Давлат ташкилотлари билан хусусий сектор вакиллари ўртасида инновацион самарадорликни ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқлари ва интеграцион бирлашмалар фаолиятини амал қилиш механизмлари самарасиз ташкил этилиб, хусусий сектор вакиллари бу турдаги муносабатларга киришишдан манфаатдор эмаслиги, ҳамда, давлат ташкилотларида инновацион самарадорликни ошириш бўйича ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаслиги
Молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар	Илмий тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар, илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмалари, инновацион стартапларни молиялаштириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари, шунингдек, жратилаётган солиқ имтиёзлари етарли даражада эмаслиги, жумладан, турли грантлар учун жратилган молиялаштириш маблағларининг маълум бир қисми илмий лойиҳа амалга оширилаётган ташкилот томонидан ёки мутасадди ташкилотлар томонидан ушлаб қолиниши ва ҳ.к.
Кадрлар етишмаслиги	Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун етарли касбий компетентликка эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги, жумладан, олий таълим муассасаларида таълим сифати ўқитилаётган фанларнинг мазмунига эмас, балки талабалар давомати, кийиниш тартиби, одоб ахлоқ меъёрлари билан баҳоланиши
Инфратузилмавий муаммолар	Инновацион самарадорликни тъминлашда муҳим аҳамият ксб этувчи инфрутизилма ва унинг таркибий ривожланиш ҳолати билан боғлиқ бўлган замонавий лабораториялар, технологик ускуналар, ҳамда рақамли платформаларнинг етишмаслиги

иккинчи, технопарклар ва илмий марказларда хусусий сектор вакиллари иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, солиқ ва регулятив имтиёзлар ажратиш тизимини такомиллаштириш орқали ички инвесторларни бозор

хизматлари кўрсатиш соҳасида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтириш орқали давлат хусусий шериклик механизми амал қилиш самарадорлигини таъминлаш;

учинчи, бозор хизматлари кўрсатиш амалиётининг инновацион самарадорлигини оширишда венчур капитал фондларини ташкил этиш билан биргаликда, стартаплар учун субсидия ва грантлар ажратиш ҳажмини ошириш;

тўртинчи, кадрлр тайёрлар ва уларнинг малакасини оширишда инновацион бозор хизматлари кўрсатиш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш, жумладан, олий таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида амалий инновацион ҳамкорликни кучайтириш;

бешинчи, инфратузилмавий қўллаб-қувватлашда республиканинг ҳар бир вилоятлари кесимида технопарк ва инновацион марказларни ташкил этиш, ҳамда замонавий ИТ индустрияси маҳсулотлари асосида рақамли платформаларни жорий қилинишини кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон фармони, 06.07.2022 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон фармони, 05.10.2020 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сон Қонуни, 03.10.2024 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни, 24.07.2020 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони, 29.10.2020 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фан соҳасида давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5047-сон қарори, 01.04.2021 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори, 14.10.2024 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-959-сон Қонуни, 10.09.2024 й.